

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДАМАТОВ ФАРХОД РАЖАБОВИЧ

**МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЭКОЛОГИК ЎЛКАШУНОСЛИК
ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ
ТАЖРИБАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (phd) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (phd) on
pedagogical sciences**

Сайдамагов Фарход Ражабович

Мактаб география таълимида экологик ўлкашунослик воситасида
ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш
методикаси 3

Сайдамагов Фарход Ражабович

Методика формирования опыта творческой деятельности учащихся
средствами экологического краеведения при обучении школьной
географии 21

Saydamatov Farkhod Rajabovich

The method of forming the experience of students' creative activity by
means of ecological local lore in teaching school geography..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДАМАТОВ ФАРХОД РАЖАБОВИЧ

**МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЭКОЛОГИК ЎЛКАШУНОСЛИК
ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ
ТАЖРИБАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped68** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда [Ўзбек, рус, инглиз (резюме)] Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.csri.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Авазов Шериммат педагогика фанлари номзоди, профессор
Расмий оponentлар:	Рахимов Атаназар Каримович педагогика фанлари доктори (DSc), доцент Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович география фанлари доктори (DSc), доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти хузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «7» январь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz.)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «28» декабрь даги 948 - рақамли реестр баённомаси).

Ж.Э.Усаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., доцент
Д.М.Махмудова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д., и.т.д., доцент
Р.А.Шичанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қўшмадир илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда “табиат ва жамият” коэволюцияси тамойилига мувофиқ иқтисодий, ижтимоий ва экологик ривожланишни уйғун бирликда таъминловчи барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларга хизмат қилувчи география таълими тизимини яратиш ва ўқувчиларда геологик тафаккурни шакллантириш устувор вазифалардан бири саналади. Жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Канада, Германия, Франция, Япония ва Италия каби ривожланган мамлакатларида аудиовизуал педагогик технологияларга асосланган география таълими тизимини табиий фанлар билан интеграциясини таъминлаш, ноосфера таълимоти билан боғлиқликда география фанини ўқитиш жараёнларини инсонпарварлаштириш, экологизациялаш, эстетиклаштириш орқали планетар фикрловчи креатив шахсни шакллантириш муҳим аҳамият касб қилади. Айниқса, экологик ўлкашунослик (ecological local lore) воситасида ўқувчиларнинг географик саводхонлигини ривожлантиришда ижодий фаолият тажрибасига асосланиш алоҳида долзарблик касб этади.

Дунёда экологик ўлкашунослик воситасида географияни ўқитишнинг педагогик технологияларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларни табиий, табиий-антропоген ва антропоген экологик тизимларни (ландшафтларни) ўрганишга фаол жалб этиш орқали тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш, мактаб ўлкашунослигини интегратив асосда ташкил этиш орқали экологик илм-маърифатни ривожлантиришнинг методик шароитларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, география таълими жараёнида абиотик, биотик ва антропоген омиллар асосида тирик организмлар (одам) ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўқув мақсадида ҳар томонлама билиш, таҳлил қилиш, биоэкологик ва геологик ўлкашунослик йўналиши орқали ўқувчиларни изланишли-креатив фаолиятга мақсадли йўналтиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда мактаб ўқувчиларининг табиий-илмий саводхонлигини шакллантириш, табиий фанлар таълимининг инновацион тизимини ишлаб чиқиш ва халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг методик механизмининг такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясида “... таълим дастурларини мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш; таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали уларнинг она табиатнинг қайта тикланмас манбаларини сақлаб қолиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтириш; экологик таълимнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш”¹ асосий устувор вазифалар этиб белгиланган. Бу мактабда экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш моделини яратишни, география

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида / ҚХММБ: 09/19/434/3189-сон 28.05.2019 й.

таълими жараёнида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 27 майдаги 434-сон “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихан икки йўналишда қараб чиқилади: табиатнинг жамиятга ҳамда жамиятнинг табиатга таъсири. Ушбу таъсирлар табиатдан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва тирик мавжудотлар (шу жумладан, инсон) хавфсизлигини таъминлаш каби шаклларда содир бўладики, мазкур масалалар Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмуд аз-Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк мутафаккирлар асарларида турли илмий ёндашувлар асосида изоҳланиб, инсон ва атроф-муҳит ўртасида энг мақбул муносабатлар ўрнатилиши нафақат билим ва кўникмаларга, балки ижодий фаолиятга ҳам бевосита боғлиқлиги исботлаб берилган.

Мамлакатимизда бошланғич таълимни ижодий ташкил этиш Б.Адизов, Ш.Болтаева, ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолияти И.Каримов, ўқувчилар ва бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ижодкорлиги Ш.Шарипов, Д.Якубжанова, О.Қўйсинов, тафаккур психологияси, мустақил ижодий фикрлаш, тафаккурни ривожлантириш ва илмий ижод методологияси З.Давронов, З.Нишонова, Б.Отаниёзов, Р.Суннатова, Ч.Шакирова ва Э.Ғозиевнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Шунингдек, Т.Абдуллаева, М.Абдурахмонов, Ш.Авазов, М.Асомов, Р.Гайпова, С.Матсаидова, П.Мусаев, О.Мўминов, М.Набиҳонов, Х.Никадамбаева, В.Рафиқов, Ў.Сафаров, М.Юнусова, Р.Қурбонниёзов ҳамда А.Ҳайтов каби педагог олимларнинг ишларида география таълими ва географик

ўлкашунослик жараёнида иждокор ўқувчи шахсини шакллантириш ҳамда ривожлантириш муаммосининг айрим қирралари очиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида “ижодкорлик”, “ижодий қобилият”, “ижодий тафаккур”, “ижодий фаолият”, “ижодий ёндашув” каби тушунчалар, уларнинг мазмун-моҳияти ва узлуксиз таълим шароитида иждокор шахс ҳамда иждодий салоҳиятни шакллантириш қонуниятлари, унинг ўзига хос қирралари Г.Альтшуллер, В.Андреев, И.Аксютин, Д.Богоявленская, В.Бухвалов, В.Давидов, Е.Жукова, О.Иванова, Е.Ильин, М.Кларин, Н.Лейтес, А.Лук, А.Матюшкин, В.Моляко, П.Оржековский, Т.Палецкая, П.Пидкасистий, Я.Пономарев, С.Рубинштейн, И.Семенов, А.Хуторский каби, шу билан бирга Т.Вилейто, И.Жуковская, А.Захаров, Ю.Митрофанова, Н.Мартилова ҳамда Н.Кириенко каби олимлар томонидан мактаб география таълимида фанлараро алоқаларни ўрнатишда, шаҳар ландшафти ва ўз жойини ўрганишда, жамоавий иш шароитида ўқувчиларнинг иждодий фаолияти тажрибасини шакллантириш муаммоси ўрганилган.

Хорижлик R.Beghetto, T.Lubart, M.Runco, R.Sawyer, R.Sternberg, E.Torrance ва шу каби олимларнинг илмий изланишларида иждокорлик, креатив тафаккур, иждодий таълим ҳамда маърифий инновация масалалари ўз аксини топган. Шунингдек, география таълими жараёнини модернизациялаш стратегияларида иждокор шахсни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга устуворлик берилган, хусусан, S.Scoffham муаллифлиги ва таҳрири остида чоп этилган “Geography and creativity: Development Joyful and Imaginative Learners” (“География ва иждокорлик: қувноқ ва иждокор ўқувчиларни ривожлантириш”), “Teaching Geography Creatively” (“Географияни иждодий ўқитиш”) каби ишларда мактаб география таълимидаги иждокорлик принциплари ва географияни ўқув фани сифатида иждодий ривожлантириш асослаб берилган. Адабиётлар таҳлиliga кўра, шуни таъкидлаш мумкинки, мактаб география таълимида ўқувчиларнинг иждодий фаолияти тажрибасини экологик ўлкашунослик воситасида шакллантириш методикасининг мазмуни, унинг тузилмаси, таркибий қисмлари тизим сифатида махсус ўрганилмаган.

Диссерация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади мактаб география таълими жараёнида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг иждодий фаолияти тажрибасини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактаб география таълими мазмунининг таркибий қисми сифатида иждодий фаолият тажрибасини шакллантириш муаммосининг назарий жиҳатларини ўрганиш ва тавсифлаш;

география таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш тузилмасини аниқлаштириш ва мазмунини ёритиб бериш;

география таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактаб география таълими жараёнида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида 330 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини мактаб география таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини экологик ўлкашунослик воситасида шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-педагогик манбаларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш, анализ, синтез, моделлаштириш, таққослаш, ўқувчилар фаолияти натижаларини таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат, анкета, тест, педагогик эксперимент ҳамда математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

география таълими мазмунини ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришга доир ўқув материаллари билан анализ, синтез, таққослаш, абстракциялаш, таснифлаш, умумлаштириш, хулосалаш каби ўқув мақсадларига уйғун тарзда горизонтал ва вертикал бойитиб бориш алгоритми географик муҳитга ҳиссий-қадриятли муносабат тизимини қарор топтириш мантиқига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

мактаб география таълими орқали ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш тузилмаси мотивацион, когнитив, рефлексив, жараёнли таркибий асосларнинг билишга қизиқиш, ижодий топқирликка интилиш, эмпирик ва назарий билимларга эгалик, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва баҳолаш, мантиқий операцияларга асосланган кўникмаларни ўзлаштириш каби кўрсаткичлар билан бевосита ва билвосита қайта алоқага киришиш даражаси валидлигини белгилаш орқали аниқлаштирилган;

маърифий экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш моделининг технологик компоненти лойиҳалаш, ўқувчиларнинг машғулотларга ижодий ёндашувини (комбинацион, инновацион ва тадқиқий ижодкорлик) таъминлаш, машғулотларнинг бориши ва натижаларини мониторинг қилиш, ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш самарадорлигини таъминлайдиган методик шароитларнинг продуктивлик жиҳатини оптимал ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

география таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш методикасининг локал-модулли даражаси экоўлкашуносликнинг адабий, картографик, статистик, анкета сўрови, дала тадқиқоти методлари ва тавсифлаш, сабаб-оқибат боғланишини ўрнатиш, моделлаштириш, лойиҳалаш, баҳолаш, прогнозлаш каби методик

усулларини муаллифлик факультатив ва тўғарак машғулотларида вариатив қўллашнинг дидактик имкониятини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагиларда ўз аксини топган:

география таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантиришга доир методлар мажмуи, экологик ўлкашунослик методлари ва методик усулларини қўллашга доир тавсиялар асосида “Экология ва атроф-мухит муҳофазаси” дарслиги нашр эттирилган;

география таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантиришга имкон берувчи ижодий топшириқлар тизими асосида “Табийй география: стандарт ва ностандарт тест топшириқлари” номли ўқув-методик қўлланма ишлаб чиқилган;

“Экологик ўлкашунослик: Қуйи Амударё минтақаси” методик қўлланмаси нашр эттирилган;

география таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методологик асосларнинг таъминланганлиги, назарий маълумотлар расмий манбалардан олингани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи методлар мажмуидан фойдаланилгани, тажриба-синов иштирокчиларини танлаш репрезентативлиги, келтирилган таҳлиллар ҳамда тажриба-синов натижалари математик-статистик методлар воситасида аниқлангани, дарслик, ўқув-методик қўлланма ва мақолалар нашр этилиб, хулоса ва тавсиялар амалиётга татбиқ этилгани ва олинган натижалар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маърифий экологик ўлкашунослик – ўқув (мактаб) ўлкашунослигининг фанлараро интегратив йўналиши, геоэкологик ўлкашунослик маърифий экологик ўлкашуносликнинг географик таркибий қисми сифатида илмий асосланганлиги, “Экологик ўлкашунослик: Қуйи Амударё минтақаси” факультатив ва “Геоэкологик ўлкашунослик” тўғарак машғулотларининг ўқув-методик таъминоти яратилганлиги, мактаб география таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларда шакллантириш мумкин бўлган ижодий фаолият тажрибасининг тузилмаси ва мазмуни, уни шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичлари, модели ва методикаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактаб география таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантирувчи экологик ўлкашунослик технологиялари яратилганлиги, тажрибавий мактабларнинг география ўқитувчилари ва ўқувчилари учун “Экологик ўлкашунослик: Қуйи Амударё минтақаси” факультатив ва “Геоэкологик ўлкашунослик” тўғарак машғулотларининг дастурлари, методик таъминоти (ўқув-методик қўлланма, ўқувчилар учун иш дафтари) яратилганлиги ҳамда тавсиялар берилганлиги, “Геоэкологик маърифат” сайти ишга туширилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларидан турли таълим ташкилотларида экологик ўлкашунослик бўйича ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуаларни яратишда, олий таълим

муассасалари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида ўқув-методик материалларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Мактаб география таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

география таълими мазмунини ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришга доир ўқув материаллари билан анализ, синтез, таққослаш, абстракциялаш, таснифлаш, умумлаштириш, хулосалаш каби ўқув мақсадларига уйғун тарзда горизонтал ва вертикал бойитиб бориш алгоритминини географик муҳитга ҳиссий-қадриятли муносабат тизимини қарор топтириш мантиқига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А-1-230. “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 10 сентябрдаги 02-07-2267/04-сон маълумотномаси). Натижада, мактаб экологик ўлкашунослиги воситасида география таълими жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

мактаб география таълими тизими орқали ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш тузилмасини мотивацион, когнитив, рефлексив, жараёнли таркибий асосларнинг билишга қизиқиш, ижодий топқирликка интилиш, эмпирик ва назарий билимларга эгаллик, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва баҳолаш, мантиқий операцияларга асосланган кўникмаларни ўзлаштириш каби кўрсаткичлар билан бевосита ва билвосита қайта алоқага киришиш даражаси валидлигини белгилаш орқали аниқлаштириш, мактабда маърифий экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш моделининг технологик компонентини такомиллаштиришга доир амалий таклифлар ва тавсиялардан ЁА-1-ОТ-0-80469. “Ёшларда атроф оламдаги тартиб ва таркибий тузилиш мукамаллигини ҳис этиш қобилиятини ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалий имкониятларини татбиқ этиш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 10 сентябрдаги 02-07-2267/04-сон маълумотномаси). Натижада, география таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришда ижодий топшириқлар тизимидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

география таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш методикасининг локал-модулли даражасини экоўлкашуносликнинг адабий, картографик, статистик, анкета сўрови, дала тадқиқоти методлари ва тавсифлаш, сабаб-оқибат боғланишини ўрнатиш, моделлаштириш, лойиҳалаш, баҳолаш, прогнозлаш каби методик усулларини муаллифлик факультатив ва тўғарак машғулотларида вариатив қўллашнинг дидактик имкониятини кенгайтириш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва мулоҳазалардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Taqqdimot”

кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали” ДУК “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2021 йил 18 августдаги 02-40-1329-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактаблари табиий фанлар ўқитувчиларининг методик компетентлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий-услубий, шу жумладан, 1 та монография, 1 та дарслик, 2 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 154 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган, шунингдек натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги ва ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш – мактаб географиясининг долзарб муаммоси сифатида”** деб номланган биринчи бобида дидактик тадқиқотларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш муаммосининг назарий жиҳатлари қиёсий таҳлил этилган, ижодий фаолият тажрибаси мактаб география таълими мазмунининг таркибий қисми сифатида асослаб берилган, география таълими жараёнида ўқувчиларда шаклланадиган ижодий фаолият тажрибасининг тузилмаси ва мазмуни, шунингдек муаммонинг мактаб амалиётидаги ҳолати аниқланган.

Маълумки, замонавий жаҳон педагогикасида прагматизм, неотомизм, неопозитивизм, бихевиоризм, экзистенциализм каби педагогик концепциялар фарқланади. Уларда шахснинг камол топиши у ёки бу даражадаги ижодкорлик ёки ижодий фаолият билан боғлиқ маърифий жараённинг натижаси сифатида аниқланган. Шу билан бирга, анъанавий-консерватив (билимга асосланган), феноменологик (гуманистик ғояга асосланган), технократик (илмий-техник) ва рационалистик (бихевиористик) педагогик парадигмалар мавжуд бўлиб, улар негизида шаклланган таълим турлари (изоҳли-кўрсатмали, муаммоли, шахсга

йўналтирилган, ривожлантирувчи, дастурлаштирилган, модулли) ҳам қай бир даражада ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ҳамкорлигига асосланади.

Қайд этилган таълим моделларидаги “таълим мазмуни” – ўзлаштирилиши шахс камолотини таъминловчи билим, кўникма, малака ва компетенциялар, ижодий фаолият тажрибаси ва ҳиссий-қадриятли муносабатлар тизимининг педагогик адаптациясини англатади. Зеро, дидактиканинг “нимани ўқитиш керак?” деган асосий масаласи таълим мазмуни билан узвий боғлиқдир.

Таълим мазмунига билимга асосланган ёндашув тузилмасида билимлар, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси ҳамда атрофдаги оламга муносабатлар мажмуи ажратиб кўрсатилади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос функцияларни бажаради. Хусусан, *ижодий фаолият тажрибаси* – шахснинг эгаллаган билимларини, кўникма ва малакаларини янги (нотаниш, ностандарт) вазиятда олдиндан маълум бўлмаган ақлий хатти-ҳаракатлар алгоритми асосида қўллаш олиш қобилиятидир.

Таълим мазмунига компетенциявий ёндашув тузилмасида таянч ва айрим ўқув фанларига оид компетенциялар ажратиб кўрсатиладики, улар маълум бир ҳаётий вазиятларда назарий ёки амалий вазифаларнинг ижодий ёндашув ва фикрлаш асосида ҳал қилинишини, яъни ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллаш олиш қобилиятини англатади.


Ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибаси, шунингдек компетенцияларни шакллантириш таълим мазмунини рўёбга чиқаришнинг энг муҳим шартидир. Шу асосда вазифаларни ижодий ҳал қила оладиган, янгича фикрлайдиган, ўз фаолиятини ўрганиш ҳамда ўзгартиришга қодир бўлган ижодий шахс камол топади. Шахс ижодкор бўлиб туғилмайди, балки ўзидаги истеъдод нишонлари, атроф-муҳит таъсири ва махсус ташкил этилган таълим-тарбия жараёнида ижодий фаолият тажрибасини тўплайди. И.Я.Лернер фикрича, кишини ижод қилишга ўргатишнинг битта йўли бор – унга ижодий бажариладиган иш тартибларини, ижодий фаолият моҳиятини ўргатиш зарур.

Ижодкор, географик маданиятли шахсни шакллантириш ҳозирги замон географиясининг бош мақсади бўлиб, бунга, энг аввало, мактаб географияси орқали эришилади. Мактаб географияси – мазмуни ва тузилмаси географик билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг яхлит тизимини ўз ичига олган, ўқув фани сифатида мактаб таълими муҳитига кўчирилган география фанидир. География таълимининг мазмуни тўртта таркибий қисмдан иборат: 1) географик билимлар; 2) географик кўникма ва малакалар; 3) география бўйича ижодий фаолият тажрибаси; 4) географик муҳитга ҳиссий-қадриятли муносабатлар тажрибаси. Мазкур таркибий қисмларнинг ўзлаштирилиши ҳамда шаклланиши ўқувчи шахсида таянч географик маданиятни вужудга келтиради (1-расмга қаранг).

Ўқувчиларда географик билимлар, кўникма ва малакалар, компетенциялар вужудга келмасдан ижодий фаолият тажрибаси шаклланмайди. Географик кўникма ва малакалар – аниқ, пухта шаклланган географик билимлар асосида, географик компетенциялар - географик билим, кўникма ва малакалар асосида, география бўйича ижодий фаолият тажрибаси - географик билимлар, кўникма


ва малакалар ҳамда компетенциялар негизда шаклланади.

Географик билимлар – географик объектлар, ҳодисалар ва жараёнларни мантиқий ёки фактик асослаш ҳамда эмпирик ёки амалий текшириб кўриш мумкин бўлган географик билиш натижаси, географик кўникма ва малакалар эса фаолиятнинг олдиндан маълум бўлган географик усулларини ўзлаштириш ва амалга ошириш тажрибасидир.



1-расм. Мақтаб география таълимининг мазмуни ва унда ижодий фаолият тажрибасининг тугган ўрни

Биз мақтаб география таълимида моҳиятан бир-биридан фарқланадиган амалий ва ақлий географик кўникма, малакалар шаклланиши мумкинлигини аниқладик (2-расмга қаранг).



2-расм. Ақлий географик кўникма ва малакалар – ижодий фаолият тажрибасининг мазмун-моҳияти сифатида

2-расмда кўрсатилган *ақлий географик кўникма ва малакалар* – ижодий фаолият тажрибасининг мазмунини ташкил қилади. Ақлий географик кўникма

ва малакалар ўқувчининг ижодий фаолияти жараёнига рефлексияни киритиш орқали мотивация билан боғланади. Шу асосда ижодий фаолият тажрибасининг тузилмаси ва мазмуни аниқланди (3-расмга қаранг).



3-расм. География таълимида ўқувчиларда шаклланидиган ижодий фаолият тажрибасининг тузилмаси ва мазмуни

Биз 3-расмдаги тузилмага асосланган ҳолда география таълимида ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш мезонлари, кўрсаткичларини аниқладик ва уларни ижодий фаолият тажрибасининг таркибий қисмлари билан бир хил номладик. Шу асосда ижодий фаолият тажрибаси шаклланишининг юқори, ўрта ва паст даражалари ишлаб чиқилди ва муаммонинг мактаб амалиётидаги ҳолати ўрганилди.

Дастлабки таъкидловчи тажриба-синов натижалари кўрсатдики, география соҳасидаги ижодий фаолият тажрибаси ўқувчиларнинг 17,8% да юқори, 29,0% да ўрта ва 53,2% да паст даражада шаклланиган. Бу борада аниқланган камчиликлар география таълими тизимида ижодий фаолият тажрибасини муваффақиятли шакллантиришга ёрдам берадиган воситаларни излаш, уларни ўқув жараёнида қўллаш заруриятини келтириб чиқарди. Шундай воситалардан бири сифатида экологик ўлкашунослик танланган.

Диссертациянинг “**География таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида мактаб ўлкашунослигидаги **экологик ўлкашунослик** – маърифий ўлкашуносликнинг фанлараро интегратив йўналиши, **геоэкологик ўлкашунослик** маърифий экологик ўлкашуносликнинг географик таркибий қисми сифатида асослаб берилган ҳамда ўқувчиларда экологик ўлкашунослик воситасида ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш методикасининг модели ишлаб чиқилган.

Экологик маърифат (таълим ва тарбия) жараёнида шахс ва жамиятнинг экологик маданиятини шакллантириш муаммосига **ўлкашунослик ёндашуви** чет эллик педагог олимлар томонидан педагогик (методик) асослаб берилган.

Экологик ўлкашунослик ғояси давлат (илмий), жамоат (ижтимоий) ва мактаб (маърифий) ўлкашунослигининг янги интегратив йўналиши, таркибий қисми сифатида П.В. Иванов (Россия) томонидан илгари сурилган. Маърифий

экологик ўлкашунослик муаммоларининг тизимли тадқиқи Т.А.Бабакова, Л.В.Моисеева, М.А.Якунчев ва бошқа чет эллик олимлар томонидан амалга оширилган. Ўзбекистонда маърифий экологик ўлкашунослик география ҳамда биология таълими тузилмасида шаклланиш ва илк ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда.

Маърифий экологик ўлкашунослик – таълим олувчиларнинг ўз жойи ва ўлкасидаги табиий, табиий-антропоген ва антропоген экологик тизимларни (ландшафтларни) ўрганиш, маҳаллий ва минтақавий экологик муаммоларни аниқлаш, уларни ечиш усулларини излаш ва амалда қўллашга йўналтирилган фаолият турларини ташкил этишнинг фанлараро педагогик жараёни.

Мазкур бобда экологик ўлкашунослик замонавий география таълимининг таркибий қисми ва энг самарали воситаларидан бири сифатида тавсифланган. Экологик ўлкашунослик ўз жойи ва ўлкасидаги тирик организмлар, жумладан, одам (жамият) ва атроф-муҳит (табиат) ўртасидаги бевосита ва билвосита муносабатлар, атроф-муҳит омилларининг тирик организмларга (одамга), ва аксинча, одамнинг (жамиятнинг) атроф-муҳитга ва организмларга таъсири, табиий муҳитнинг антропоген ўзгариши ва оқибатларини (ифлосланишини) ўқув мақсадида турли жиҳатдан ўрганишга имкон бериши аниқланган.

Экологик ўлкашунослик ўқувчиларда география бўйича ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш воситаси сифатида қараб чиқилган.

География бўйича ижодий фаолият тажрибаси – географик билимлар, кўникма ва малакалар, компетенциялар, янги географик муаммоларни излаш усуллари ва уларни амалда ҳал этиш йўллариининг бирлигини назарда тутувчи ва шахснинг географик воқеликка муносабати ўзгаришига олиб келувчи ноёб моддий-маънавий ҳосила бўлиб, ўқувчининг янги ўқув геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечимини излашга, атрофдаги геоэкологик муҳитни ижодий ўзгартиришга тайёргарлигини таъминлашга қаратилган география таълими мазмунининг таркибий қисми сифатида аниқланган. Ижодий фаолият тажрибаси ўқувчининг олдин ўзлаштирган географик билим, кўникма ва малака, компетенцияларни ностандарт вазиятда қўллай олиш қобилияти бўлиб, амалга ошишида тайёр ечими йўқ бўлган фаолиятдир.

Экологик ўлкашунослик бўйича ижодий фаолиятда географик тушунча, кўникма ёки малакалар шаклланишидаги каби аниқ хатти-ҳаракатларни ёки босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Бу тажриба тайёр географик билимлар ёки фаолият усуллари каби ўзлаштирилмайди, балки ўқувчининг индивидуал хатти-ҳаракатлари, пухта ва такроран ишлаши орқали ҳосил қилинади. Ҳар бир ўқувчида ижодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида ўзига хос индивидуал хатти-ҳаракатлар тизими вужудга келади. Бу тизим ўқувчиларда шахсий тажрибанинг тўпланиши сифатида яратилиб, уларнинг қуйидаги ақлий хатти-ҳаракатларида намоён бўлади:

ўзлаштирган геоэкологик билим, кўникма ва малакаларини мустақил ҳолда янги ўқув вазиятларига ўткази олади (масалан, ёзувсиз харитада ўз жойи ёки ўлкасидаги геоэкологик объектларни аниқлайди, белгилайди ва тавсифлайди);

таниш (стандарт) вазиятда янги ўқув муаммосини кўра олади (масалан, ўз

жойи ёки ўлкасидаги эндемик турларни аниқлашга оид масалани еча олади);

геоэкологик объект, ҳодиса ёки жараённинг янги, нотаниш қирраларини кўра олади (масалан, кимё саноатига оид мавзуни ўрганишда азотли ўғитларни олиш манбаларини аниқлай олади);

ўрганилаётган геоэкологик объект, ҳодиса ёки жараён тузилмасини кўра олади (масалан, ўз жойидаги экотизимлар ёки ландшафтларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ёки алоқадорликни аниқлай олади);

олдин ўрганилган, маълум географик усулларни ўзаро бирлаштириб, янги усулни излаб топа олади (масалан, ўз вилоятидаги туманларни гуруҳлашга имкон берувчи белгиларни кўпроқ топа олади);

геоэкологик муаммолар ечимининг янги усулини ярата олади (масалан, ўз худудига хос вертикал зоналик ёки районлаштириш формуласини топа олади).

География таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш методикасининг модели ишлаб чиқилди, унинг мақсадли, мотивацияли, мазмунли, жараёнли ва натижали таркибий қисмлари, ҳар бир қисмнинг мазмун-моҳияти тегишли омилларнинг мажмуий бирлигида аниқланди ва асослаб берилди (4-расмга қаранг).



4-расм. Мактаб география таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш методикасининг модели

Экологик ўлкашунослик ўқувчилар томонидан ўзи яшаётган ҳудуднинг табиий, табиий-антропоген ва антропоген экотизимларини (ландшафтларини) ўқитувчи раҳбарлигида турли шаклдаги ўлкашунослик ишлари орқали педагогик мақсадларда ўрганилишини таъминлаган. Экологик ўлкашунослик тизими биологик (биоэкологик) ҳамда географик (геоэкологик) йўналишдаги методик таркибий қисмларни ўз ичига яхлит қамраб олган.

Экологик ўлкашунослик методикасида муаммоли, модулли, лойиҳавий ва табақалаштирилган таълим технологиялари асосий ўрин тутуди ҳамда улардан унумли фойдаланилди. Бу технологиялар муаммоли баён қилиш (вазиятларни яратиш), қисман изланиш (эвристик), лойиҳалаш, тадқиқотчилик каби ижодий методлар ёрдамида амалга оширилдики, улардан фойдаланиш ўқувчиларга турли типдаги ижодий топшириқлар тизимини мустақил бажаришга имкон берди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўқувчиларда экологик ўлкашунослик воситасида ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш методикасининг самарадорлиги**” деб номланган бўлиб, ушбу бобда “Экологик ўлкашунослик: Қуйи Амударё минтақаси” факультатив ҳамда “Геоэкологик ўлкашунослик” тўғарак машғулотларининг ўқув-методик таъминоти ва педагогик тажрибасинов ишлари натижаларининг таҳлили келтирилган. Мазкур факультатив ва тўғарак машғулотларидаги тажрибавий таълим жараёни назарий ҳамда амалий машғулотлар, мустақил ижодий ишлар ва экологик экскурсиялар шаклида мос технологиялар (метод ва усуллар) асосида амалга оширилди ҳамда уларнинг ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришдаги имкониятлари аниқланди. Шунингдек, тажриба гуруҳларида самарали таълим технологиялари қўлланилиб, машғулотларда ижодий топшириқларнинг тўлиқ бажарилишига эришилди ва уларнинг ташхиси олиб борилди.

Тадқиқотнинг якуний натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


Ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибаси шаклланганлик даражаларининг ривожланиш суръати (% ҳисобида)

Гуруҳлар:	Ижодий фаолият тажрибасининг таркибий қисмлари:	шаклланганлик даражалари:					
		юқори		ўрта		паст	
		тажриба-синов босқичлари:					
		ДБ	ЯБ	ДБ	ЯБ	ДБ	ЯБ
Тажриба гуруҳи	Когнитив	18,5	32,1	28,4	53,7	53,1	14,2
	Мотивацияли	20,4	33,3	37,0	59,9	42,6	6,8
	Жараёнли	17,3	25,9	27,2	59,3	55,6	14,8
	Рефлексив	13,0	24,7	23,0	46,3	64,0	29,0
	ўртача	17,3	29,0	28,9	54,8	53,8	16,2
Назорат гуруҳи	Когнитив	17,9	18,5	29,6	29,0	52,5	52,5
	Мотивацияли	21,6	22,2	35,8	32,7	42,6	45,1
	Жараёнли	17,9	19,1	27,8	26,5	54,3	54,3
	Рефлексив	15,4	16,0	23,5	22,8	61,1	61,1
	ўртача	18,2	19,0	29,2	27,8	52,6	53,2

Изоҳ: ДБ – дастлабки босқич; ЯБ – якунловчи босқич.

Тажриба-синов гуруҳларида мактаб ўқувчиларининг ўз жойи ва ўлкаси экологиясини ўрганиш жараёнида олинган дастлабки, оралик ҳамда якуний натижаларнинг қиёсий таҳлили география таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини кўрсатди. Буни тажриба-синов гуруҳларида ижодий фаолият тажрибасининг шаклланганлик даражаларидаги сезиларли ижобий ўзгаришлар тасдиқлайди.

Умуман олганда, барча таркибий қисмлар бўйича ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасининг шаклланиши қуйидаги кўринишга эга бўлди: тажриба-синов якунида ижодий фаолият тажрибаси шаклланганлик даражаси юқори бўлган ўқувчилар сонининг 11,7 фоизга (17,3 дан 29, 0 фоизгача), ўрта бўлган ўқувчилар сонининг 25,9 фоизга (28,9 дан 54,8 фоизга) ошганлиги кузатилди. Ижодий фаолият тажрибаси шаклланганлик даражаси паст бўлган ўқувчилар сони 37,6 фоизга (53,8 дан 16,2 фоизга) камайганлиги қайд этилди (5-расмга қаранг).



5-расм. Тажриба-синов ишларининг дастлабки ва якуний босқичида ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибаси шаклланганлик даражаларининг ривожланиш суръати

Шакллантирувчи тажриба-синов натижаларининг ишончлилиги, яъни шакллантирувчи тажриба-синовдан олдин ва кейин ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибаси шаклланишининг ривожланиш суръатидаги фарқларнинг аҳамиятлилигини аниқлаш χ^2 мезонидан фойдаланиб амалга оширилди.

Олинган статистик қийматлар тажриба-синов ишлари бошида тажриба ва назорат гуруҳларида ижодий фаолият тажрибасининг шаклланганлик даражалари бир-бирига тенглиги ва тажрибани олиб бориш мумкинлигини англатса, тажриба-синов ишлари охиридаги натижалар ижодий фаолият тажрибасининг шаклланганлик даражаси ўртача 1,13 баробар юқорилигини кўрсатди.

ХУЛОСА

География таълимида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш методикаси бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Мактаб ўқувчиларида ижодкорлик фазилатини шакллантириш долзарб, айти пайтда мураккаб ва кўп қиррали муаммо эканлиги, шунингдек замонавий дидактик концепциялар ва парадигмаларда, таълим мазмунининг билимларга асосланган ва компетенциявий ёндашувлар тузилмасида “ижодкорлик” энг муҳим элементлардан бири сифатида аниқланди.

2. География таълимидаги “ижодий фаолият” тушунчасининг мазмуни ўқувчи шахсининг ижодий фазилатларини ривожлантиришга йўналтирилган, географик ўқув муаммоларни ҳал этишнинг янги, ўзига хос ёндашувлари ва усулларини ўзлаштиришда намоён бўладиган, янги географик билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, уларни амалда қўллашга қаратилган мустақил, юқори даражада ташкил этиладиган мотивацияли фаолият сифатида очиб берилди.

3. Географик кўникма ва малакалар ўзлаштирилган географик билимлар асосида, география соҳасидаги ижодий фаолият географик билимлар, кўникма ва малакалар, компетенциялар мажмуида рўёбга чиқиши, шу жумладан, ақлий географик кўникма ва малакалар (таҳлил ва синтез қилиш, умумлаштириш, таққослаш, таснифлаш, мавҳумлаштириш) ижодий фаолият тажрибасининг мазмунини ташкил қилиши аниқланди.

4. Ижодий фаолият тажрибаси география таълими мазмуни ва шахс таянч географик маданиятининг таркибий қисми сифатида мактаб ўқувчиларининг янги географик ўқув муаммолари ечимини излашга ва географик воқеликни ижодий ўзгартиришга тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, ўқувчининг қуйидаги ақлий кўникмаларида намоён бўлиши асослаб берилди: эгаллаган географик билимлари, кўникма ва малакаларини мустақил равишда янги ўқув вазиятига ўткази олиш; таниш (стандарт) вазиятларда янги ўқув муаммоларини кўра олиш; географик объект, ҳодиса ёки жараёнларнинг янги, нотаниш қирралари ва тузилмасини кўра олиш; олдиндан ўрганилган, маълум бўлган географик усулларни ўзаро бирлаштириб, янги усулни излаб топиш; ўқув географик муаммолар ечимининг тубдан янги усулини яратиш.

5. Экологик ўлкашунослик ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг энг самарали воситаси сифатида ўқувчиларнинг ўз жойи ва ўлкасидаги табиий, табиий-антропоген ҳамда антропоген экотизимларни (ландшафтларни) ўрганиш, маҳаллий ва минтақавий экологик муаммоларни аниқлаш, ҳал қилиш усулларини излаш ва амалда қўллашга йўналтирилган фанлараро педагогик жараён эканлиги аниқланди.

6. Геоэкологик ўлкашунослик – мактаб география таълимининг самарали воситаси ва экологик ўлкашуносликнинг таркибий қисми сифатида ўз жойи ва ўлкасида одам (жамият) ва атроф-муҳит (табиат) ўртасидаги муносабатларни, атроф-муҳитнинг антропоген ўзгариши ва унинг оқибатини турли жиҳатдан ўрганиши илмий-методик асосланди.

7. “Экологик ўлкашунослик: Қуйи Амударё минтақаси” факультативи ҳамда “Геоэкологик ўлкашунослик” тўғараги машғулотларининг ўқув-методик таъминоти яратилди ва уларнинг ўқувчиларда индивидуал ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришда тутган ўрни, имкониятлари аниқланди.

8. География таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибасини экологик ўлкашунослик воситасида шакллантириш методикасининг модели, унинг тузилмавий (мақсадли, мотивацияли, мазмунли, жараёнли ва натижали) таркибий қисмлари, ижодий фаолият тажрибаси шаклланганлик мезонлари (мотивацияли, когнитив, жараёнли, рефлексив), кўрсаткичлари ва даражалари (юқори, ўрта, паст) ишлаб чиқилди.

9. Экологик ўлкашунослик методикасида муаммоли, лойиҳавий таълим технологиялари, қисман изланиш (эвристик), муаммоли вазиятларни яратиш, лойиҳалаш, тадқиқотчилик каби ижодий методлар ва ижодий топшириқлар тизими ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг самарали омиллари сифатида очиб берилди ва тажриба-синов ишлари якунида олинган натижалар мактаб ўқувчиларида ижодий фаолият тажрибаси шаклланганлиги даражаси ошганлигини ифодаловчи якуний хулосанинг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

Мазкур тадқиқот кўриб чиқилаётган муаммонинг тўлиқ, чуқур ечимини англамайди ва у экологик ўлкашунослик ҳамда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш жараёнининг мазмуни билан боғлиқ илмий изланишларнинг истиқболли йўналишларини белгилашга хизмат қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан кейинги тадқиқотлар география ўқитувчиларининг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш, турли типдаги таълим ташкилотларида экологик ўлкашунослик, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш каби муаммолар ечимига қаратилиши тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

САЙДАМАТОВ ФАРХОД РАЖАБОВИЧ

**МЕТОДИКА ФОРМИРОВАНИЯ ОПЫТА ТВОРЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ СРЕДСТВАМИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО
КРАЕВЕДЕНИЯ В ОБУЧЕНИИ ШКОЛЬНОЙ ГЕОГРАФИИ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (география)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.3.PHD/Ped68.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.cspi.uz) и на информационно-образовательном портале "ZiyoNET" по адресу (www.ziyo.net)

Научный руководитель: Авазов Шериммат
кандидат педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Рахимов Атаназар Каримович
доктор педагогических наук, доцент
Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович
доктор географических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится « 7 » января 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 по присуждению ученых степеней при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, улица Амира Темура, 104). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: cspi-kengash@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована за № 73). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, 104-дом. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан « 28 » декабря 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 18 от « 28 » декабря 2021 года).



Ж.Э.Усаров
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н. доцент

Д.М.Махмудова
Методический секретарь Научного совета по
Присуждению уч. степеней, (PhD), доцент

Р.А.Эшчанов
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одной из приоритетных является задача создания системы географического образования, служащего целям устойчивого развития, обеспечивающего органическое развитие в экономической, социальной и экологической сферах в соответствии с принципом коэволюции «природы и общества» и формирование геоэкологического мышления учащихся. В развитых странах мира, как США, Великобритания, Канада, Германия, Франция, Япония, Италия особую значимость приобретает формирование мыслящей в планетарном масштабе креативной личности через обеспечение интеграции с естественными науками системы географического образования, основанной на аудиовизуальных технологиях, гуманизацию, экологизацию, эстетизацию процесса преподавания географии в связи с учением о ноосфере. Особую актуальность приобретает основание на опыте творческой деятельности в развитии географической грамотности учащихся посредством экологического краеведения (ecological local lore).

В мире проводится ряд научных исследований в области разработки педагогических технологий преподавания географии посредством экологического краеведения, формирование исследовательских компетенций учащихся через активное вовлечение их в изучение природных, природно-антропогенных и антропогенных экологических систем (ландшафтов), совершенствования методических условий развития экологического образования посредством организации школьного краеведения на интегративной основе. Также, особую значимость приобретает разработка методической системы целевой ориентации учащихся к поисково-креативной деятельности через всестороннее изучение, анализ в процессе обучения географии взаимоотношений живых организмов (человека) и окружающей среды на основе абиотических, биотических и антропогенных факторов, направления биоэкологического и геоэкологического краеведения.

В нашей республике уделяется особое внимание формированию естественно-научной грамотности школьников, разработке инновационной системы обучения естественно-научным дисциплинам и совершенствованию методического механизма формирования опыта творческой деятельности у учащихся на основе международных программ оценки. В концепции по развитию экологического образования в Республике Узбекистан определены приоритетные задачи, как усовершенствование учебных программ на основе современных требований к устранению экологических проблем; усиление ответственности за сохранение невозобновляемых источников родной природы и рациональное их использование через обращение внимания обучаемых к общечеловеческим проблемам; внедрение эффективные организационные формы и методы экологического образования¹. Это предполагает создание

¹ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. Об утверждении концепции по развитию Экологического образования в Республике Узбекистан / НБДЗ: № 09/19/434/3189 от 28.05.2019 г.

модели формирования опыта творческой деятельности учащихся школ посредством экологического краеведения, совершенствование методики формирования опыта творческой деятельности учащихся посредством экологического краеведения.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, постановлении, постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан №841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» от 20 октября 2018 года, №434 «Об утверждении концепции по развитию Экологического образования в Республике Узбекистан», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-нравственного развития информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Взаимоотношения между природой и обществом исторически рассматриваются в двух направлениях: влияние природы на общество и общества на природу. Эти влияния протекают в форме природопользования, охраны окружающей среды и обеспечения безопасности живых организмов (в частности, человека), и данные вопросы рассмотрены в трудах великих мыслителей, как Абу Али ибн Сина, Абу Наср Фараби, Абу Рейхан Беруни, Захириддин Мухаммад Бобур, Махмуд аз-Замахшари, Юсуф Хос Хаджиб на основе различных научных подходов, и доказана непосредственная зависимость установления наиболее оптимальных отношений между человеком и окружающей средой не только от знаний и навыков, но и от творческой деятельности.

